

3-25-2020

THE IMPORTANCE OF INTONATION IN THE ACTUAL DIVISION OF THE SENTENCE IN ENGLISH AND UZBEK

Durdona Egamnazarova Teacher at the Department of English Grammar
Andijan State University, iroda.kaharova@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>



Part of the [Language Interpretation and Translation Commons](#)

Recommended Citation

Egamnazarova, Durdona Teacher at the Department of English Grammar (2020) "THE IMPORTANCE OF INTONATION IN THE ACTUAL DIVISION OF THE SENTENCE IN ENGLISH AND UZBEK," *Philology Matters*:

Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 4.

DOI: 10. 36078/987654426

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss1/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Дурдона Эгамназарова

Андижон давлат университети Инглиз тили
грамматикаси кафедраси ўқитувчиси

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНТОНАЦИЯНИНГ ГАПНИНГ АКТУАЛ БЎЛИНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада инглиз тилидаги гап бўлакларини актуаллаштирувчи доминант восита ҳисобланган интонациянинг инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзига хос хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинган. Масала устида изланиш олиб борган тилшуносларнинг бу борадаги қарашлари баён этилган. Интонация тизимидаги просодик воситаларнинг қиёсланаётган тилларда гап коммуникатив сатҳида муҳим аҳамиятга эга эканлиги адабиётлардан олинган тегишли мисоллар орқали аниқлаб берилган. Хусусан, манткий ва эмфатик урғу ҳар икки тилда ҳам актуаллаштирувчи характерга эга бўлиб, жумлада муайян бўлакни мазмуний ёки ҳиссий томондан ажратиб кўрсатиши, бундай бўлак жумланинг интонацион маркази, яъни рема гуруҳини ҳосил қилиши исботланган. Шунингдек, юқорида саналган бирликлардан ташқари яна бир қатор просодик воситалар борки, улар ҳар икки тилда турли кўринишларда намоён бўлади: тон, тембр, интенсивлик, унли товушлар чўзиқлиги, ундошларнинг эса қаватланиши, пауза қабиларнинг турли миқдорий кўрсаткичлари бўйича ҳар хил боғланишлари бор; бу боғланишларнинг ҳар бири предикативликни шакллантиришда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, гапнинг интонацион конструкциялари ҳисобланади. Ушбу интонацион конструкцияларнинг ҳар бир тури ва ички вариантлари гапнинг бош вазифаси бўлган коммуникативлик билан узвий боғланганки, буларни атрофлича ўрганиш ҳозир шаклланиб бораётган инглиз ва ўзбек коммуникатив ва матн тилшунослигининг долзарб вазифаларидан бири эканлиги таъкидлаб

Durdona Egamnazarova

Andijan State University Teacher at the Department of
English Grammar

THE IMPORTANCE OF INTONATION IN THE ACTUAL DIVISION OF THE SENTENCE IN ENGLISH AND UZBEK

ANNOTATION

The article provides a comparative analysis of the peculiarities of intonation in English and Uzbek, which is the dominant means of the actual division of the sentence. The views of the linguists, who have researched the issue, are given. The importance of certain prosodic means of intonation in the languages compared is also illustrated by relevant examples from the literature. In particular, both logical and emphatic stress have the peculiarity of usage in both languages, and it has been proven that they load semantic or expressive prominence on a particular sentence unit, forming the intonation center of the sentence, a rheme group. In addition to the above units, there are a number of prosodic devices that appear in both languages in different ways as there are different links in terms of quantitative indications of them; each of these links is unique in forming predicative units, and they are regarded as the intonation constructions of the sentence. It is also emphasized that each of these intonation constructions and their variants are intertwined with the communicative aspect of the sentence, which is one of the most important tasks of the Uzbek and English communicative and corpus linguistics, which is developing currently. In general, it is revealed that intonation, as an external form of speech, is the determining factor signifying the speaker's / narrator's communicative purpose in discourse.

Key words: the actual division of the sentence, communicative center, communicative structure of the sentence, intonation, prosodic means, stress, pause, emphasis

ўтилган. Умуман, интонация гапнинг ташқи формаси сифатида мулоқотни амалга оширишда сўзловчи/муаллифнинг коммуникатив мақсадини белгиловчи омил эканлиги очиб берилган.

Калит сўзлар: гапнинг актуал бўлиниши, коммуникатив марказ, гапнинг коммуникатив тузилиши, интонация, просодик воситалар, урғу, пауза, эмфаза

КИРИШ

Мулоқотнинг асоси бўлмиш гапнинг нафақат структуравий, балки, семантик тузилишига бўлган қизиқиш синтаксисга коммуникатив ёндашувни янада кучайтирмоқда, янгидан-янги тадқиқотлар учун туртки бўлмоқда. Соҳа доирасида олиб борилган изланишларнинг самараси ўлароқ, синтактик қурилманинг коммуникатив аспектини характерловчи гапнинг актуал бўлиниши концепцияси вужудга келди. Мазкур тушунча тил универсалияси сифатида талқин қилиб келинмоқда, бироқ унинг шаклланиши турли тилларда турли усуллар билан амалга оширилади. Гапнинг актуал бўлиниши қонуниятларини ҳисобга олмасдан туриб, мантиқан тўғри тузилган ва боғланган, услубий бўёқдор нутқ, шунингдек, рисоладагидек таржимага эришиш мумкин эмас, зеро, гапнинг коммуникатив тузилишида ҳар бир миллий тилнинг ўзига хослиги акс этади.

Гап бўлакларини актуаллаштирувчи асосий воситалардан бири интонация ҳисобланиб, сўз тартиби билан биргаликда жумла коммуникатив тузилишини белгилайди. Интонация деярли барча тилларда гапнинг коммуникатив марказини ифодаловчи асосий восита бўлиб, гапга хос бўлган универсал хусусият ҳисобланади [Sanghoun S., 2017]. Гап бўлакларини актуаллаштирувчи бошқа воситалар ҳаминша интонация билан уйғунликка фаоллашади. Интонация бир қанча просодик воситаларни ўзида бирлаштирган жуда кенг қамровли тизимдир. Интонация гапни информатив жиҳатдан қай даражада юкланганлигини кўрсатиб берувчи, сўзловчининг ахборот беришдаги коммуникатив мақсади, кайфияти, хабар мазмуни ва тингловчига нисбатан муносабатини белгиловчи маркер ҳисобланади. Сўзловчининг қандай эмоционал ҳолатда эканлиги айнан интонация орқали фарқланади. Д.Кристалл таъкидлаганидек: “Интонация фақатгина товуш даражаси ва контуридан иборат бўлибгина қолмай, балки турли просодик хусусиятлари бўлмиш овоз тони, ритм, урғу, нутқ темпи, баландлиги, пауза, тембр каби воситалардан ташкил топган тизимдир” [Crystal D., 1975]. Инглиз ва ўзбек тили турли тиллар оиласига мансуб бўлгани сабабли ҳам гап бўлакларини актуаллаштирувчи воситалар тил сатҳларида фарқли ва ўхшаш жиҳатлари билан намоён бўлади, зеро интонация ҳам бундан мустасно эмас.

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Ушбу тадқиқотда қиёсий типологик, тавсифлаш ва трансформациялаш методларидан фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади ҳозирги ўзбек ва инглиз тилида гапларнинг хабарни турли йўналиш ва қийматларда бера олиш шакли бўлган актуал тузилиш ҳамда унинг воситалари тизимида интонациянинг ролини аниқлаш ва коммуникатив тузилиши учун хизмат қилувчи просодик омилларнинг ўзига хос бўлган вазифаларни қиёсий тадқиқ этишда авваламбор интонациянинг сўзлашув услубида бажариши мумкин бўлган вазифалар тизимини аниқлаш. Просодик воситалар (эмфатик ва мантиқий урғу, пауза, нутқ мелодикаси, товушларни чўзиш ва қаватлаш) ўзига хос турларининг қиёсланаётган тилларда жумланинг мантиқий тадрижийлиги ва когезияни таъминлашдаги аҳамиятини адабиётлардан олинган мисоллар орқали таҳлил қилиш.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Масала устида изланиш олиб борган олимлар интонация қандай коммуникатив вазифа бажариши тўғрисида турли қарашларни илгари сурганлар. Л.В.Щербанинг фикрича, тилшуносликда интонация тушунчаси остида мелодиканинг, алоҳида товушлар нисбий уйғунлигининг ва гапдан тортиб, бўғин ёки алоҳида товуш тембрининг ўзгариши тушунилади [Vozorov O., 2006].

Хусусан, Ж.Д.Уэллс таъкидлашича, интонация бажарадиган функциялар доирасига қуйидагилар киради: [Wells J.C., 2006].

1. Муносабатни характерлаш функцияси- интонациянинг энг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, нутқ тони орқали амалга оширилади.

2. Грамматик функция- гап ва унинг таркибидаги бўлақларнинг бошланиш ва тугаш нуқталарини белгилаб беради ва тоналитй орқали белгиланади.

3. Жумлани “маълум” ва “янги” қисмларга ажратиб, гап бўлақларини актуаллаштириш вазифасини бажаради.

4. Дискурс функцияси. Асосан сўзлашув услубига хос бўлиб, нутқ тадрижийлиги ва когезияни таъминлашда роль ўйнайди(дискурс маркерларга маълум эмфазани тушириш орқали).

5. Психологик функция. Интонация нутқни тингловчига эслаб қолиши, тушуниши осон бўлган услубда етказиб берилишини таъминлайди.

6. Индексив функция – талаффузнинг турли хусусиятлари (шева, идиолект, услуб) сўзловчининг шахсий ёки ижтимоий статуси ва ўзига хослигини характерловчи маркер хисобланади.

Унинг воситасида гап мантиқий тугалланганлик, предикативлик белгисига эга бўлади; урғу эса хабарнинг семантик марказини – ремани ифодалайди; гапнинг мақсадга кўра турини (дарак, савол, буйруқ ва уларнинг турлари) белгилайди; у нутқ окимини гапларга, гапларни эса синтагма ва нутқий вазиятларга ажратади ва шу билан бирга сўзларни синтагма ва гап ичига бирлаштиради [Shevyakova V.E., 1980]. Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, интонация, бу – бир нечта просодик воситаларнинг мураккаб бирлиги. Бундай воситаларнинг энг асосийси, оҳанг ва гап урғуси хисобланади. Шунинг учун, гап урғусининг алоҳида кўриниши бўлмиш мантиқий урғунинг акустик таъсири нафақат инто-

нациянинг динамик таркибий қисми (талаффуз интенсивлиги), балки ажратилган (сўз) бўғиннинг махсус оҳангдор белгиси билан яратилади [Shevyakova V.E., 1980].

Урғу тушунчасига адабиётларда турли хил таърифлар берилади. Дениел Жонс урғуни “товуш ёки бўғин талаффузида иштирок этувчи кучнинг даражаланганлиги”, [Jones D., 1962]. дея таъриф берса, Аберкромби “нафас кучланишининг даражаси”, дейди; Девид Кристалл эса товуш баландлигини урғунинг асосий кўрсаткичи дея баҳолайди [Taylor P.A., 1992]. Нима бўлганда ҳам, урғунинг барча турлари ҳар қандай тил учун энг муҳим просодис восита бўлиб, тил фонетик қонуниятларига асосан турли тилларда турли даражаларда намоён бўлади.

Ўзбек тилида актуаллашган бўлак кесимнинг олдида туради; мантикий урғу ҳам ўз-ўзидан параллел равишда айнан шу бўлакка тушади. Гарчи ўзбек тилида сўз тартиби эркин бўлганлиги туфайли гапнинг ҳар қандай бўлагини синтактик равишда актуаллаштириш имконияти юқори бўлса-да, синтактик тартибни ўзгартирмаган ҳолда гапнинг маълум бўлагига мантикий ёки эмфатик урғуни тушириш орқали маълум бўлакни актуаллаштириш ҳам кенг тарқалган бўлиб, асосан сўзлашув услуби учун характерли хусусиятдир.

Гап бўлаklarини актуаллаштиришда урғунинг роли ҳақида гап кетар экан, мантикий ва эмфатик урғу мазкур жараёнда асосий восита эканлигини таъкидлаш жоиз. Мантикий урғу жумла таркибидаги маълум бир сўзга тингловчи/ўқувчининг эътиборини тортиш мақсадида қўлланилса, эмфатик урғу, ўз навбатида, сўз ёки жумлани эмоционал-экспрессив жиҳатдан бойитиш учун хизмат қилади. Мантикий урғу гапда фикрий жиҳатдан аҳамиятли бўлган элементни ажратиш учун хизмат қилади; одатда мантикий урғу олган сўздан кейин қисқа пауза бўлади; сўзнинг урғули бўғини мускул тонусининг ортиши билан талаффуз қилинади; мантикий урғу тушган бўлакда одатдаги урғули бўғин мантикий урғу тушмаган ҳолатдагидан чўзикроқ ёки қисқароқ талаффуз қилинади; мантикий урғули бўлакнинг урғули бўғини мелодикаси билан ҳам характерланади: у тон жиҳатдан одатдагидан ё баландроқ, ё пастроқ бўлади [Bozorov O., 2006].

Ажратувчи урғунинг иккинчи тури эмфатик урғудир. Агар мантикий урғу жумланинг мазмуний томонига оид бўлса, эмфатик урғу ҳиссий томонига оид бўлади. Бунда овоз тембри муҳим аҳамиятга эга. У мантикий урғуга нисбатан кучлироқ оҳанг билан талаффуз қилинади. Яъни эмфатик урғу моҳияти сўзловчининг маълум нутқий вазиятдаги ўз тингловчиси диққатини маълум ифодага жалб қилиш ниятида ифода элементларидан бирини узоқроқ ва юқори тон билан талаффуз қилишдан иборатдир [Bozorov O., 2006].

Ўзбек тилида эмфаза қуйидаги просодик воситалар орқали ифодаланиши мумкин:

1. Пауза орқали. Пауза фикрни маълум бир мақсад билан ифодалашга хизмат қилиши мумкин, масалан, ўйланиш, иккиланиш, севиниш. қўрқиш, давоми бор каби. Унинг қандай маънога хизмат қилиши матндан, оғзаки нутқда эса нутқ жараёнидан англашилади: Шунда... кутилмаган ҳодиса рўй берди. Овози дўриллаб қолган тенгдошлари қуюндек ёпирилиб келди. Тўрттаси баравар

ёпишди. Бири кўлтиғидан олди, бири оёғидан... сувга улоқтириб юборишди. (Ўткир Хошимов). Туш кўрдим, жўра...Кетяпган эмишман, йўлнинг охири кўринмасмиш (Ўткир Хошимов). Хўш... ўртоқлар, район матлубот жамиятидан уч жуфт этик олинди.(Худойберди Тўхтабоев).

Омбур-у болғачаларни кўлга олиб ишга тушиб кетдик (Худойберди Тўхтабоев)

2. Сўзни бўғинларга ажратиб талаффуз қилиш орқали кескинлик, жиддий тасдиқ ёки инкор каби маънолар ифода этилади: Ла-қаб-чи!- бўйнини чўзиб, бошини силкитиб деди бола,-мен болаларга лақаб қўйиб бераман, сенга ҳам қўйиб берайми?(Худойберди Тўхтабоев);

3. Сўз таркибидаги унлини чўзиш орқали сўзловчи мазкур унли иштирок этган сўзнинг маъносини бўрттиради, диққатни шунга жалб қилади, нутқ пайтида шу сўзга қўшимча маъно юклайди ва шу билан экспрессия ҳосил қилади: Менинг ўғлим хў-ўп орзу-ҳавасли чикди-да, Барака топгур! (Ўткир Хошимов); Бундан кў-ў-ўп йиллар аввал бир нарсдан қаттиқ изтиробга тушдим(Ўткир Хошимов)); Аллё-о-о, бу жиннихонами? Флорочка, ўзингмисан? Ҳаяжонланма-а-а-ай ўтирибсанми? (Ўткир Хошимов) Унлини кучли талаффуз қилиш (унлига зарб урғуси бериш) билан. Бунда сўзловчи ўз нутқида кескинлик тусини беради, фикрнинг қатъий ва ишончли эканига ишора қилади, аниқланувчининг бошқа шу турдан ажралиб туришини таъкидлайди ва шундай қилиб, бутун гапга қўшимча вазифа юклайди: [Iminov M., No`monov T., Boboxonova D., 2007]. У ўзига янги телефон олганмиш!(норозилик оҳанги); Мана, қалам, қалам керакмиди?(таъкид оҳанги);

4. Ундошни иккилантириш билан сўзловчи фикр объектига нисбатан ўзининг муносабатларини, ҳис-туйғуларини ифода этади, маъно кучайтиришга интилади, ундоши иккиланган сўзга диққатни жалб этади: -Эшшак... – деб қўшимча қилиб қўйди. (Худойберди Тўхтабоев) Сув-в!..- деди ўзига келиб (Ўлмас Умарбеков).

5. Оҳанг орқали гап мазмуни (дарак, сўроқ, ундов) ўзгаришидан ташқари пичинг, кесатиқ, жеркиш, ачиниш, койиш, шодлик, каби эмоционал ҳолатлар ифода этилиши ҳам мумкин. Демак, интонация бу вазиятда маънони кучайтириш, бўрттиришга хизмат қилади [Iminov M., No`monov T., Boboxonova D., 2007].

Инглиз тилида оғзаки мулоқот ритм ва нутқ мелодикасидан иборат бўлмиш “музыкавий сигналлар”дан ташкил топади, деганда Ж.Б.Жильберт янглишмаган эди [Gilbert J.B., 2008]. Улар бир-бирига жуда ҳам муҳим бўлган узварни ҳосил қилиб, тингловчи учун суҳбатни қайси томонга йўналишини аниқлашда харита вазифасини ўтайди [Gilbert J.B., 2008].

Демак, бошқа тилларда бўлганидек, инглиз тилида ҳам гапнинг коммуникатив тузилишида просодик воситаларнинг ўрни беқиёсдир.

Хусусан, инглиз тили сўз ва гап урғусининг кўплаб қатламларидан ташкил топган просодик контурга эга, десак муболаға бўлмас [Chomskiy N, Halle M., 1968]. Гапнинг коммуникатив тузилишида асосан жумла урғуси муҳим рол ўйнаса-да, сўз (лексик) урғусининг бу масалада инглиз тили учун хос бўлган

алоҳида хусусиятлари мавжудки, бу унинг маъно ўзгартириш хусусиятидир. Бунинг ўзига яраша сабаби бор, албатта. Тилда сўз ясалишининг турли морфологик- синтактик усуллари мавжуд бўлса-да, урғу кўчиши билан характерланувчи ҳолатлар талайгина. Бу ҳолат асосан, икки бўғинли сўзлар конверсиясида кузатилади: сифат ва от сўз туркумида урғу биринчи бўғинга тушса, феъл сўз туркумида, аксинча, иккинчи бўғин урғуни олади. Қуйидаги мисолларни таржима кесимида қиёслаймиз:

PREsent – а) совға (от); б) ҳозирги, жорий (сифат)/ *preSENT* – такдим этмоқ, совға бермоқ (феъл);

SEparate – айро, ажралган, алоҳида (сифат) / *separATE* – ажратмоқ (феъл);

INcrease – кўтарилиш, ортиш (от) / *incrEASE* – кўтарилмоқ, ортмоқ (феъл)

ва ҳ.к.

Ёзма нутқда конверсиянинг гап коммуникатив тузилишидаги аҳамияти, оғзаки нутқчалик залворли эмас – лексик урғуни нотўғри жойга қўйиб талаффуз қилиш мулоқотда тушунмовчиликлар ва ғализликка сабаб бўлиши мумкин ва, бу, айниқса, тил ўрганувчилар учун муҳим аҳамият касб этувчи хусусиятидир.

Инглиз тилида жумла таркибидаги сўзларга урғунинг даражаланиб тушиши силсиласи уларнинг нисбий муҳимлик даражасидан келиб чиқади, яъни энг актуал бўлак энг кучли урғу билан талаффуз қилинади. Асосан, муस्ताқил сўз туркумларига тегишли бўлақлар жумла урғуси (мантикий ёки эмфатик)ни олиш билан характерланадилар.

Шу ўринда айтиш жоизки, урғу тушмайдиган ҳар қандай ёрдамчи сўз туркумга тегишли элемент қуйидаги ҳолатларда жумла урғусини олиши мумкин [Jones D., 1962]:

а) умумий сўроқ гапда ва унга берилган қисқа жавобларда: *‘Can you do this? – Yes, I can / ‘Is it possible? – It is;*

б) инкор юкломанинг ёрдамчи ёки модал феъл билан бирикиб қисқаришида: *They can `t come today. / The room isn `t ready yet;*

в) гап ёки синтагма сўнигида: *They were playing when I came;*

д) эргашган қўшма гаплар бош гап препозициясида келса, боғловчиларга тўлиқ урғу тушади [Jones D., 1962]: *When I was coming here, I met a friend of mine / As it was too late, we had to go home*

Юқорида келтирилган ҳолатлар урғунинг доимий нейтрал тушиши керак бўлган кўринишлари бўлиб, гапнинг актуал бўлинишида коммуникатив марказни белгилаб бериши ёки аксинча бўлиши мумкин, бироқ, сўзловчи/муаллифнинг коммуникатив мақсади айнан урғу ололмайдиган бўлакка йўналган бўлса, ўша бўлак мантикий, хатто эмфатик урғуни олиши ҳам мумкин. Айтиш керакки, бу ҳолат кўпинча зидлов ёки, аксинча, мувофиқлик коннотацияси англашилган бўлақларда кузатилади. Масалан:

– *He doesn `t seem to be worried.*

– *He IS worried.*

– *“It’s either really valuable or really dangerous,” said Ron.*

– *“Or both,” said Harry(J.K.Rowling) / ‘It is he; it is indeed; - I know it is!’(Jane*

Austen) / "I think she's awfully clever," said Carrie, with an undertone of feeling. "She is," said Hurstwood (*Theodore Dreiser*).

Маълумки, мантикий урғу контрастни ифодалаш ёки сўз маъносини яна ҳам кучлироқ, ажратиб кўрсатиш вазифасини бажаради. Қиёсланг:

I saw him in the garden yesterday – Кеча боғда уни *мен* кўрдим (яъни бошқа одам эмас, айнан мен) / *I saw him in the garden yesterday* – Мен *кўрдим* уни кеча боғда (яъни кўрганим рост, ёки уни айнан кўрдим маъносида) / *I saw him in the garden yesterday* – Мен боғда кеча *уни* кўрдим (бошқа бировни эмас, айнан уни) / *I saw him in the garden yesterday* – Мен уни кеча *боғда* кўрдим (бошқа жойда эмас, айнан боғда кўрдим) / *I saw him in the garden yesterday* – Мен боғда уни *кеча* кўрдим (бошқа куни эмас, айнан кеча).

Кўриниб турибдики, гап таркибида нечта сўз бўлса (синтактик вазифасидан қатъи назар), сўзловчи/муаллифнинг коммуникатив мақсадидан келиб чиққан ҳолда, мантикий ёки эмфатик урғунинг шу миқдордаги вариациялари вужудга келиб, гап бўлакларини актуаллаштириши мумкин экан.

Мантикий урғу жумланинг семантик планига алоқадор бўлса, эмфатик урғу хиссий-экспрессив жиҳатига тегишли хусусият ҳисобланади [Shevyaqova V.E., 1980]. У гапда турли вазифаларни бажариб (масалан, афсусланиш, ташвиш, аччиқланиш, шодлик, қиёслаш, тўғрилаш, тушунтириш ва бошқалар) маълум бўлакни актуаллаштиришда ўзига хос ўрнига эга:

– Then I bet it wasn't an inch. What he saw was an elm tree, as like as not.

– But this one was walking, I tell you; and there ain't no elm tree on the North Moors (*J.R.R.Tolkien*).

“That I can't remember,” said the Hatter.

“You must remember,” remarked the King “or I'll have you executed.” (*Lewis Carroll*).

“It's Monday,” he told his mother. “The Great Humberto's on tonight. I want to stay somewhere with a television.” (*J.K.Rowling*).

“I know some things,” he said. “I can, you know, do math and stuff.”

But Hagrid simply waved his hand and said, “About our world, I mean. Your world. My world. Your parents' world.” (*J.K.Rowling*).

Д.Жонс эмфаза инглиз тилида (1) маълум товушни чўзиш (2) маълум бўғинга тегишли урғуни кучайтириш, (3) оҳанг ёки юқоридагиларни уйғун тарзда қўллаш орқали амалга оширилади [*Jones D., 1962*], – деб ёзади.

Шунингдек, инглиз тилига хос бўлган хусусиятлардан яна бири, бу – баъзи сўзларнинг бир неча хил усулда талаффуз этилишидир. Бундай сўзларда эмфазанинг юқорида таъкидланган турлари эмас, балки сўзнинг тўлиқ ва энг ёрқин шакли танлади; улар контекстдан айро ҳолда тўлиқ ва кучли талаффуз қилинсада, эмфатик ҳисобланмайди, шунинг учун контекст жуда муҳим. Масалан: “*It is a house / Бу уй / It's A house* – Уймисан уй (яъни уйнинг сифат-хусусиятларига чизги бериб айтилмоқда).

Д.Жонс инглиз тилида эмфазанинг асосий икки тури борлигини таъкидлайди: [*Jones D., 1962*]. зидлов (контраст) эмфазаси ҳамда интенсификатор (ку-

чайтирув) эмфаза. Зидлов эмфаза аввал тилга олинган маълум сўзга тамомила зид бошқа бирини ажратиб кўрсатади ёки тингловчи/ўқувчи учун бутунлай янги ёки кутилмаган хабар учун қўлланилади ва нутқда мавжуд ҳар қандай сўз мазкур турдаги эмфазани қабул қилиш хусусиятига эгадир. Зидлов эмфаза хабарда англашилган мазмунни тингловчига тўғри етиб бориши омилларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бунинг ёрқин далили сифатида Жильбертнинг "Teaching pronunciation using the prosody pyramid" китобида келтириб ўтган мисолга тўхталиб ўтсак [Gilbert J.B., 2008]. Француз Копполанинг "Сухбат" номли жумбоқлар билан тўла фильмида аёл билан эркакнинг сухбатига детектив кулоқ солар экан, контраст эмфазани англай олмай қолгани жиноятнинг олдини олишга муваффақ бўлмаслигига олиб келади, яъни аёл сухбат асносида Агар эрим билгудай бўлса, бизни соғ қўймайди", – дейди; Детектив аёлнинг хавфсизлиги учун шундай қайғурадики, бир қанча муддатдан сўнг аёлнинг эрини мурдаси топилганида, ўша сухбатдаги бир деталь, яъни эмфазани англай олмаганидан афсусланади. Аслида: "Агар эрим билгудай бўлса, БИЗНИ соғ қўймайди", – дея "биз" олмошини эмфатик урғу билан тилга олади – аёлнинг эридан кўрқайтгани эмас, балки уларнинг қотилликни режалаштиришга ўша жумланинг коммуникатив маркази эди.

Интенсификатор эмфаза эса хабарда англашилган шахс ёки предмет/воқеликнинг хусусиятини кучайтириб, керак бўлса бўрттириб кўрсатиш учун қўлланилади, шунинг учун ҳам ҳар қандай сўз туркуми кучайтирув эмфазани олади дея айтолмаймиз, мазкур турнинг нутқда қўлланилиши сифат-хусусиятни билдирувчи сўзлар туркумлариаро чегараланган, масалан, сифат, равиш, миқдорни билдирувчи отлар ва феълларнинг баъзи турлари [Gilbert J.B., 2008].

Айтиш мумкинки, жумла урғусининг ҳар қандай кўриниши нафақат инглиз, балки бошқа тилларда ҳам шунчаки фонетик ўзига хослик эмас – залворли вазифани бажарувчи хусусиятдир. Хабарнинг актуал қисмини ажратиш, шу орқали унинг тингловчи томонидан тўғри англашилишига етакловчи муҳим воситадир, шунинг учун ҳам сухбат кетаётган ҳар қандай тилда тингловчи асосан кучлироқ урғу олган бўлақларга эътибор қаратади.

ХУЛОСА

Интонация коммуникация актининг лисоний воситаларидан бири ҳисобланиб, гапни жумлага айлантирувчи ва шу билан бирга муайян бўлақни актуаллаштирувчи восита сифатида намоён бўлади. Қийёсланаётган тилларда маълум бўлақни актуаллаштириш сўз тартибини ўзгартириш ёки ўзгартирмасдан амалга оширилар экан, биринчи усул ўзбек тили каби сўз тартиби эркин бўлган тилларда доминант эканлиги маълум бўлди. Албатта, муайян бўлақнинг бундай усул билан актуаллашуви жараёнида тартиб билан бир қаторда просодик воситалар ҳам иштирок этади: актуаллаштирилаётган бўлақ кесимнинг олдида келиши билан бирга мантиқий урғуни ҳам олади, ундан олдин пауза мавжуд бўлади. Иккинчи усул (тартибни ўзгартирмай) билан амалга ошириладиган жараёнда эса просодик воситалар яққол етакчилик қилади [Bozorov O., 2006].

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, эмфатик урғу, пауза, товушларни қаватлаш каби воситалар ўзбек тилида сермахсул.

Инглиз тилида эса сўз тартибининг эркин эмаслиги гапнинг актуал бўлинишида просодик воситаларни янада муҳим поғонага олиб чиқади. Хабар мазмунидаги тадрижийлик, когезия ва шу орқали контраст мазмун нутқдаги ритм ва мелодиканинг ўзгариши ёки пасайиши, контурнинг маълум томонга ўзгариши, қайси бўлакнинг қайси турдаги урғуни олиши каби просодик воситалар орқали амалга оширилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Bozorov O. O'zbek tilida gapning kommunikativ (aktual) tuzilishi. Filologiya fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya [The communicative(actual) structure of the sentence in Uzbek. The dissertation for the degree of candidate of philological sciences].Fergana, 2004. pp 65-66
2. Iminov M., No'monov T., Boboxonova D. O'zbek tili uslubiyoti masalalari [Issues on the Stylistics of the Uzbek Language]«Namangan» nashriyoti,Namangan, 2007.pp 48-54
3. Shevyakova V.E. Sovremenny angliyskiy yazyk.Poryadok slov, aktualnoe chlenenie, intonatsiya [Modern English. Word order, the actual division, intonation].Moskva, Nauka, 1980. Pp 88-94
4. Chomskiy N, Halle M. The sound pattern of English, New York, 1968
5. Crystal D. "Prosodic features and linguistic theory". The English tone of voice: essays in intonation, prosody and paralanguage. Edward Arnold, 1975. Pp 21-29
6. Gilbert J.B. Teaching pronunciation using the prosody pyramid. Cambridge University press, 2008. Pp 5-8
7. Jones D. An outline of English phonetics. Cambridge, 1962
8. Sanghoun S. Modeling information structure in a cross-linguistic perspective (Topics at the Grammar-Discourse Interface 1). Berlin: Language Science Press, 2017. P 46
9. Taylor P.A. A phonetic model of English intonation. The thesis for the degree of Doctor of Philosophy, Edinburgh, 1992. p 26
10. Wells J. C. English Intonation PB and Audio CD: An Introduction. Cambridge University Press, 2006. p11